

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2005-yil • 22-sentabr • Payshanba • 120 (27.455) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.



14
МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ ОЛИЙ НЕМАТ!

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚОРАҚАЛПОГИСТОНГА САФАРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 21 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЖОЙЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР, ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОХЛАРНИНГ БОРИШИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЮЗ БЕРАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА ҚОРАҚАЛПОГИСТОН RESPUBLIKASIGA ТАШРИФ БУЮРДИ

Юртимиз бўйлаб пахта йим-терими авж паллага кирди. Бу йилги мавсумда Қорақалпоғистон Республикаси қарвонбошилиқ қилмоқда. Давлатта жорий йилда 185 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга бел боғлаган қорақалпоғистонлик миришкорлар шу кунгача давлат буюртмасининг қарийб 80 фоизини бажардилар. Нукус, Қўнғирот, Қанлиқўл, Тахтақўпир, Қораўзақ, Чимбой ва Кегейли туманлари давлатга пахта сотиш режаларини муваффақият билан адо этди. Президентимиз Кегейли туманининг «Умид» фермер хўжалиги пахта далаларида бўлиб, пахтакорлар билан қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самараларини, хусусан, Қорақалпоғистонда пахтачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида суҳ-

батлашди. Фермер Жуманиёз Пирназаров 53 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан илк теримдаёқ 26 центнердан ҳосил кўтарди ва 83 тонналик давлат буюртмасини бажарди. Фермер бу йилги пахта ҳосилидан қарийб 7 миллион сўм даромад олишни чамалаб турибди. Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, бугун фермердан, деҳқондан нафақат экин экиш, уни парвариш, айна чоғда етиштирилган ҳосилни сотиш ва ундан тегишлича даромад олишнинг пухта ҳисоб-китобини юритадиган даражада замонвий фикрлаши талаб этилади. Бунда дунё бозорлари, хусусан, Ливерпул биржаси талабларига жавоб берадиган юқори сифатли, толаси пишқ, хатто ранг-тусигача бозорбоп пахта навларини етиштириш алоҳида

аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, олимлар, соҳа мутахассисларининг фермерлар билан елкама-елка туриб ишлашга талошга эгадир. Ислом Каримов кегейлик фермерлик эътиборини яна бир тармоқ — чорвачилик ривожлантириш истиқболларига қаратди. Бу ерда чорва учун зарур йилволар мавжуд. Чорвачилик ривожини янги иш жойлари очиб имконлигини беради, аҳоли фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Нукус тумани бу йил мавсумда пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини нанкин Қорақалпоғистон Республикасида, балки мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажарди. Айна кунгача нукусликлар уйган ҳосил 125 фоздан ошди.

(Давоми 2-бетда)

РОССИЯ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ


РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МУДОФАА ВАЗИРИ СЕРГЕЙ ИВАНОВ 21 СЕНТЯБРЬ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРДИ

2004 йили Россия раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Ислом Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзолаган эдилар. Ушбу ҳужжат барча йўналишларда, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ўзаро ҳамкорлиқни янги поғонага кўтариш учун муштақкам ҳуқуқий асос яратди. Президентлар эришган келишувларнинг натижаси сифатида Ўзбекистон ва Россия террорчиликка қарши кураш борасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу ҳамкорлик доирасида шу

қунларда «Фориш» полигонда Ўзбекистон ва Россия қуролли кучларининг қўшма антитеррор тактик машқлари ўтказилмоқда. Мазкур тадбир мамлакатларимизнинг бу борадаги мақсад ва интилишлари муштарак эканлигига яна бир далил бўлди. — Биз ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни муштақамлаш масалалари юзасидан музокаралар ўтказамиз, — деди С.Иванов. — Ташриф давомида «Фориш» полигонда икки мамлакат қуролли кучларининг қўшма антитер-

рор тактик машқларини кузатамиз. Бу машқлар ҳам ўзаро ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётганини кўрсатади. Шу кунги пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири билан Россия Федерацияси Мудофаа вазири ўртасида давлат хаво кемалари парвозларининг хавфсизлиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон мудофаа вазири Қ.Ғуломов ва Россия мудофаа вазири С.Иванов имзо чекдилар.

(ЎЗА)



БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк йиллариданоқ жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кириб борди. Кўплаб хорижий давлатлар билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Аммо ўша даврда халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг миллий

манфаатларини ҳимоя қилувчи малакали дипломатлар, хорижий тилларни мукамал биладиган, чуқур билим ва тафаккурга эга бўлган мутахассислар етишмас эди. Шу боис бундан роппа-роса 13 йил аввал — 1992 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осиёда ягона бўлган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига асос солинган эди. Ўтган қисқа даврда мамлакатимизнинг энг нуфузли олий даргоҳларидан бирига айланган мазкур универ-

ситетда миллат гурури, мамлакат таянчи бўлган иқтидорли ёшлар камолга етмоқдалар.

Анвар САМАДОВ

Суратларда: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари ҳаётдан лавҳалар.



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШ ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ, МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КўРСАТИШ ҲАҲМЛАРИНИ КўПАЙТИРИШНИНГ ТАБСИРЧАН ОМИЛИДИР

Иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокамасига бағишлаб парламент юқори палатасида 21 сентябрь куни бўлган давра суҳбатида бу фикрга қайта-қайта уру берилди. Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси Монополиядан чиқариш, рақобатни ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси иштирокида ташкил этилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусидаги ана шу давра суҳбати иштирокчилари томонидан таъкидланганидек, бизда кичик ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди. Юртимиз иқтисодиётда хусусий бизнеснинг мавқеи йилдан-йилга кучайиб, мамлакат ялли

ички махсулоти ишлаб чиқаришида унинг улushi ортиб бормоқда. Жорий йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида кичик бизнес корхоналарининг сони 2004 йил якуналарига нисбатан 12,7 фоз кўпайди, шаҳар ва қишлоқларда ўн минглаб янги иш жойлари барпо этилди. Шу билан бирга давра суҳбатда иқтисодиётнинг мазкур секторини ривожлантиришга, соҳадаги мавжуд муаммоларни жаддалик билан ҳал этишга қаратилган ишларнинг қўллаб-қувватлаш, шаҳар ва қишлоқларда ўн минглаб янги иш жойлари барпо этилди. Олий Мажлис ҳар иккала палатасининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2007 йилга қадар кичик бизнеснинг янги ички махсулотидаги улushi камида 45 фозга етказиш юзасидан илгари сурилган вазифалар ҳам айна шу йўналишда

иш олиб боришга ундамоқда. Кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти самардорлигини янада оширишга қаратилган қонунларимиз, кейинги вақтларда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармонлар ҳамда ҳукумат қарорлари бу муҳим ишда асосий роль ўйнайди, деб алоҳида таъкидланди тадбирда. Сўзга чиққанлар томонидан тармоқ олдида турган муаммоларни ҳал этишда, хусусан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда амалий аҳамият касб этадиган қатор тавсия ва таклифлар билдирилди. Давра суҳбатида сенаторлар, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, фуқаролик жамияти институтларини, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хусусий сектор тасарруфига бўлиб қаратилган раҳбарлари иштирок этдилар.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҲАЗОРАСП ҚАНДАЙ ҲИЗОЛАДИ?»

Газетамизда юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган лўқмада Ҳазорасп туманининг йўл ёқаларидаги баъзи кўрсаткичларда битилган номларнинг янги ўзбек алифбосида хато ёзилгани танқид қилинган эди. Яқинда ана шу мақола юзасидан Хоразм вилоят ҳокимлигидан жавоб мактуби олди. Унда жумладан шундай дейилади: «Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 18 август сонига эълон қилинган «Ҳазорасп» қандай ёзилади?» сарлавҳали мақола Ҳазорасп туманидаги мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди ва унда келтирилган хато-камчиликлар бартараф этилди.

М.ШАРИПОВ,
вилоят ҳокимининг ўринбосари.

Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги Охунбобоев номи ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилотли базасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан 2005 йил 17 сентябрь куни ўтказилган «давра суҳбати» шундай номланди. Унда янги сайланган партия раҳбарларининг аъзолари ва Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлис Кунчилиги палатасидаги депутатлари партиянинг матбуот нашрлари журналистлари ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг ХДПга хайрихоҳ муҳбирлари билан эркин мулоқот ўтказдилар. Тадбирдан қутилган мақсад партия ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш, тегишли чора-тадбирларни белгилаш эди.

ЎХДП УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ БўЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?

«ПАРТИЯ ВА ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ»

Урашувни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг суҳбат иштирокчилари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Сиёсий партияларнинг ОАВ билан ўзаро муносабатлари масаласи, дейилди суҳбатда, бу ҳар қандай партиянинг ўз дастурий ғоялари, сиёсий қарашлари ва мафурасини тарғиб қилиши, яъни ўз тарафдорларини сафини кенгайтириш масаласига бориб тақалади. Бунда партия-мизнинг «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» ҳамда ай-

КИМЁГАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

«Навоийазот» очик акциядорлик жамиятида 10 мингта акция иши ва хизматчилар меҳнат қилади. Яқинда БПТ ташаббускорлигида корхона жамоаси билан партия фаолларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда ЎХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Улуғбек Мусаев партиянинг янги Дастури, унинг жамиятда тутган ўрни хусусида гапирди. ХДП Навоий шаҳар кенгаши раиси ўринбосари А.Собирова, шаҳар Кенгаши депутатлари Ф.Холмуродов, Б.Шарипов, корхона бошланғич партия ташкилотли раиси Б.Бобомуродовлар партия янги Дастурида белгилаган вазифаларни амалга ошириш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида фикр билдирдилар. Бўлиб ўтган мулоқотлардан сўнг ХДП сафига қабул қилинган 10 нафар янги аъзога партия билетлари топширилди. Музаффар ШАРПОВ

СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг ўн икки банди, 155-моддаси 3-қисмининг икки банди ва бошқа моддалари бўйича айбланаётган Мўйдин Имомқулович Собиров, Фарҳод Умарович Ҳамидов ва бошқаларга оид жиноий ишнинг суд мажлисида қўрилиши давом эттирилди. Суд мажлиси судланувчи М.Собировнинг жиноий иш ҳолатлари бўйича кўрсатмала-

рини эшитишдан бошланди. Шунингдек, кўрсатмаларига аниқлик киритиш борасида раислик қилувчи, давлат айбловчиси, ҳимоячилар, жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари томонидан берилган саволларга судланувчи М.Собиров содир этилган жиноят тафсилотлари юзасидан батафсил жавоб берди.

Суд мажлисида судланувчилар Ф.Ҳамидов ва А.Ҳамидов содир этган жиноятларига чин қўнғилдан пушаймонлик билдириб, жабрланувчилар ва уларнинг оила аъзоларидан кечирим сўради, жиноий иш ҳолатлари юзасидан иқдорлик кўрсатмалари берди.

(ЎЗА)

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANMORI!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

OZBEKISTON XAVO YOLLARI
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alqabank.uz E-mail: info@alqabank.uz

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚОРАҚАЛПОФИСТОНГА САФАРИ

Президентимиз ушбу туманнинг пахтачиликда томчиллаб суғориш жорий этилган Нуриддин Орифхўжаев раҳбарлигидаги «Қорақалпоқтомат» қорхонасига қарашли тажриба далаларида бўлди. Ушбу усулнинг самараси ўлароқ, бу ерда ҳосилдорлик гектаридан 70 центнерни ташкил этмоқда. Бу нафақат Қорақалпоғистонда, балки мамлакатимизда юқори кўрсаткичлардандир. Давлатимиз раҳбари томчиллаб суғориш усулининг қорақалпоқ шароити учун афзал жиҳатларини қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги мутахассислари атрофлича ўрганиб, зарур тавсия ва хулоса беришлари лозимлигига эътиборни қаратди.

— Қорақалпоғистонликларнинг пахта етиштириш соҳасида эришган натижаларидан мамнунмиз, — деди Юртбошимиз. — Улар ушбу мўлқўл ҳосилга фидохорона ва машаққатли меҳнат завоғида эришганлигини бу ернинг оғир шароитида яшаб кўрган ёки ана шу меҳнат заҳмати юрагидан ўтказиб кўрган одамгина чўқур англайди ва муносиб баҳосини беради.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Қорақалпоғистонда, айниқса, Нукус шаҳрида ҳам янгидан-янги иншоотлар, замонавий қорхоналар, шинам турар-жойлар, коллеж, лицей ва мактаблар, маҳобатли маданият ва спорт саройлари қад ростламоқда.

Президент Нукус шаҳрида янги қурилаётган маданият коллежи биносиди бўлди. Бу ердаги қурилуш ишлари билан танишар экан, Юртбошимиз бу каби касб-хўнар коллежларида, аввало, таълимнинг мазмунига, маънавий томонларига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Янги бинонинг кўриниши кўзни қувватлиб, дилни яйратади, деди Ислам Каримов. Аммо бундай таълим даргоҳларининг мазмунига нечоғли эътибор берилади? Эскича туғулган қилиб, янги коллежда озулаб кутубхоначи кадрларни тайёрлаш мантиққа тўғри келмайди.

Барча соҳалар қатори кутубхоналар тизими ҳам компьютерлашиб бораётган бугунги кунда ёшларимизни компьютерда, Интернетда ишлашга ўргатиш зарур. Маданият соҳасида ҳозиргача қўлланма келаётган «тўғарак», «маданӣ оқартув» сингари мантиқсиз, боз устига, эски тузум сарқити бўлган тушунчалардан бутунлай воз кечи фурсати алақачон етган.

Юртбошимиз мазкур коллежда тайёрланадиган ихтисосликлар ва йўналишларни мутасадди раҳбарлар билан батафсил ўрганиб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Нукус аэропорти яқинида барпо этилган янги иншоот — Болалар спорт саройида баскетбол, гандбол ва волейбол билан шуғулланиш учун барча шароит мўҳайв. Давлатимиз раҳбари унинг тренажер хоналари, илгор технологиялар қўлланма хоналари, илгор технологиялар қўлланма хоналари билан танишди.

нилан ёритиш ва иситиш тизимларини кўздан кечирди. Тай-бокс бўйича беш қарра жаҳон чемпиони Эркин Қуттибоев, қўллаб-қувватлаб ва халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларини қўлга киритган қорақалпоқ спорт олдустлари, шунингдек, машғулотларда қатнашаётган ёш спортчилар ва болалар билан мулоқотда бўлди.

Яқинда иш бошлаган Болалар акаварки Нукус аҳлини, айниқса, ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан камолга етказиш борасида эришилган ятуқларимизнинг яна бир амалий ислоботидир. Ёзи соғломлаштириш-чўмилиш маркази сифатида фаолият бошлаган мазкур акаварк ҳудудида иккита сув ҳавзаси мавжуд.

Ислам Каримов акаварк билан танишиш чоғида унинг фаолиятини яқинда мукамаллаштириш ва имкониятларини кенгайтириш, шу жумладан, акаварк ҳудудидаги фавворани болалар рўйига мослаштириш, шинам ва салқин шийлончалар сонини кўпайтириш юзасидан мутахассисларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.

Ислохот — ислохот учун эмас, ислохот инсон учун. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари каби таълим ва тарбия тизимида жорий этилаётган ушбу янгиланишларнинг замирида ҳам айна шу рух муҳасса. Президентнинг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Фармон ишлари доирасида Қорақалпоғистонда залворли болаларнинг таълим-тарбия олиши, хордик чиқариши, спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Қулай синф хоналари, кутубхона, ошхона, тиббий бўлим, маънавият ва маърифат, ракс, кийим тикиш, расм, музика хоналари, шунингдек, спортзал, стадион, теннис корти шулар жумласидандир.

— Меҳрибонлик уйларида адолат ҳукмон бўлиши керак, — деди Президентимиз. — Бундай муассасалар тарбияланувчилари ҳам бошқалар қатори еб-ичиб, кийиниб, таълим ва тарбия олиб, ҳаёт наҳидасини суритишга ҳақли.

Ислам Каримов бу ерда амалга оширилаётган реконструкция ишлари юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди, Меҳрибонлик уйига «Самкочавто» заводиди ишлаб чиқарилган автобус совға қилди.

Шу кун Президент Ислам Каримов Хоразм вилоятига жўнаб кетди.

ЎзХДП УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?

Бу вазифани удалаш учун мамлакатимизда зарур ҳуқуқий замин яратилган. Сўз ва ахборот эркинлиги тўғрисидаги конституциявий принциплар шу масалаларга доир қонунларда ривожлантирилди. ОАВда цензура бекор қилинган. Давлат матбуот қўмитаси тугатилиб, оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Агентлик тўзилди. Мустақил оммавий ахборот воситалари, шу жумладан сиёсий партияларнинг матбуот нашрларини очиб ва уларнинг фаолияти учун кенг майдон яратилди. Ҳозирги замон ахборот-коммуникация технологияларининг қириб келиши туфайли Интернет-газета ва Интернет-журналларни очиб мушкун бўлди.

Албатта, Ўзбекистондаги ОАВнинг ҳозирги ҳолатига турлича баҳо бериш мумкин. Биздаги матбуот эркинлиги даражасини демократик ривожланган мамлакатлар ОАВга хос даража билан солиштириш, улар бу масалادا муғбирлик кетган дейиш ҳам мумкин. Аммо биз бу соҳада илк қадамлар қўётганимизни инкор этмаймиз. Лекин, мустақиллик йилларида янги матбуот шаклланаётганлигини, ОАВда жамоатчилик диктатини тортаётган масалаларни ёритиш анча эркинлашганини ҳам эътибор этиш керак.

Урашувда ушбу масалалар партия ва матбуотнинг ўзаро ҳамкорлиги нуктаи назаридан муҳокама қилиниди. Энг аввало, ОАВ, жумладан партия матбуоти эркинлиги, деб таъкидланди, ҳамма нарсани қилиш мумкин дегани эмас, балки матбуот эркинлиги, бу — журналистнинг хоҳлаган нарсани ёзиш ҳуқуқи ва фуқаронинг ўзи хоҳлаган нарсани ўқиш, томоша қилиш ва эшитиш ҳуқуқи ўртасидадир. Айни пайтда, ёзиш, кўрсатиш, эшитиш эркинлиги билан бир қаторда, танқидий фикрларни рад этиш, ўз нуктаи назарини баён этиш, ҳўмия қилиш ҳуқуқи борлигини ҳам унутмайлик.

Партиянинг V қурултойидан кейин ўтган вақт ичида мафкуравий, ихтимоий савй-ҳаракатларда фаоллик бошланди. Булар партия матбуоти саҳифаларида ўз аксини топди? Улар аҳоли ихтимоий заиф қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи сўл партиянинг матбуот нашрларига айландиларми? Бу саволларга ҳозирча бир хил жавоб топиш қийин. Тўғри, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарида партиянинг бешичи қурултойи, МКнинг учинчи пленуми материаллари босилди, Марказий Кенгашда ўтказилаётган «давора суҳбат»лари материаллари бериб берилмоқда, фракциямиз

бирларимиз эса истиҳоло қилдилар.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳаммуассис бўлган «Мулқот» журнали тўғрисида жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Миллий маънавий тарғиб қилишга қўл ҳаракат қилаётган партия журнали, афсуски, партиявий нашрга ўхшамайди. Унда партиявий мавзулар умуман йўқ ҳисоб, кейинги икки-уч йил давомида партияга бағишлаб бериш материал босилгани бизни қониқтирмайди.

Биз хоҳлар эдикки, бизнинг барча нашрларимиз ислохотларнинг ихтимоий самарадорлигини ошириш тарафдори бўлган сиёсий партиянинг

шуғулландилар. Очиғини айтганда, дейилди учрашувда, кўпчилик журналистларимиз бундай хурўрга тайёр эмас экан. Биз бундан тегишли хулоса чиқариб олишимиз керак. Энг муҳим сабоқ мунофиқларнинг информация урушига қарши курашга қаламимиз билан ҳисса қўшиш бўлади.

Урашувда маҳаллий партия ташкилотлари газеталари масаласи ҳам кўтарилди. Марказий Кенгаш ва «Ўзбекистон овози» — «Голос Ўзбекистана» газеталари таҳририяти улардан ижодий ва маънавий ёрдамини асослашлари лозимлиги таъкидланди. Журналистларни ўқитиш, малакасини ошириш ҳақида ўйлаб кўришга давбат этилди.

Суҳбатда партияга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари, хусусан эътибор сирчан восита — телевиде-

«Паркент тонги»газетаси бош муҳаррири М.Тоиров: — «Сиест — бир ўйин» деган гап бор. Биз ўз сўзимиз, қаламимиз билан сиест ўйин эмас, балки халқнинг тўб манфаатларини амалга ошириш йўлидаги юксак санъат эканлигини исбот қилишимиз керак. «Мулқот» журнали бош муҳаррири Барот Бойқобилев партия ташкилотлари билан партия нашрлари алоқасини яқинда яхшилаб бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

«Ўзбекистон овози» газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича ўз муҳбири А.Жумақуллов ораимизда ҳали ҳам партиямиз янги сиест моҳияти, унинг янгилашган мафкурасини чўқур тушувчи олманган, уни партия ОАВ орқали тарғиб қилишга интилмайдиганлар борлигини қўноиб айтиди.

«Ўзбекистон овози» газетасининг Фарғона вилояти бўйича ўз муҳбири А.Ибоднов партия журналистлар корпуси билан бевосити иш олиб бориши лозимлиги масаласига тўхтади. Партия марказий органлари ва партия ОАВ таҳририятлари, деди у, журналистлар билан мунтазам иш олиб борсалар, партия журналистлари, айниқса, жойлардаги муҳбирлар муҳим масалалар юзасидан нуктаи назари, эътиборга молик муҳим ихтимоий масалалар тўғрисида йўлланмалар, мақсадли тавсиялар олиб турсалар, уларнинг иши самарали бўлади.

Сирдарё вилоятида чиқадиган «Сайхун зиеби» газетаси масъулу муҳарири Нафиса Пулатованинг фикрича, ушбу ёш нашрнинг 40 мингдан кўпроқ нусхада тарқалганлигининг калити унда чоғ этилаётган материалларнинг долзарблиги ва газета саҳифаларини унинг асосий мушаррийлари — мактаб, академик лицейлар ва касб-хўнар коллежлари ўқувчиларига, уларни қизиқтираётган масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар ва тақлифлари охиқ-ойдин изҳор этиб берилаётганидир.

Ўзбекистон телевидениеси «Ахборот» дирекцияси янгиликлар бўлими мудири Ёқубжон Ҳўжаев бердеев ва «Ёшлар» телеканал «Давр» студияси муҳбири Саодат Омоновлар партия телевидение билан яқинда яқинроқ ҳамкорлик қилиши зарурлигини таъкидладилар. Партия мавзусида ахборот тусидаги телекурсулардан муаммовий-публицистик ёндашуларга фаол ўтишимиз лозим. Бунга фақат журналистлар эмас, балки партия ташкилотларининг ҳам савй-ҳаракатлари натижасида эришиш мумкин.

«Давра суҳбати» иштирокчиларига тегишли тавсиялар берилди.

ЎЗБЕКISTON ХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ

«ПАРТИЯ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ»

ийгилишлари, унинг бошқаларидан фарқ қиладиган нуктаи назари мунтазам ёритилмоқда, деб айтиш мумкин. Лекин, бошқа нашрларимиз, жойларда чиқарилаётган газеталаримизчи? Таҳририятларнинг ўзлари ташкил қилган, журналистлар, муҳбирлар томонидан тайёрланган таҳлилий, танқидий мақола, фельетон, памфлет ва фоторепортажлар-чи?

Бизга танқид учун танқиднинг кераги йўқ. Танқид, энг аввало, партиямиз сиёсий манфаатлари доирасидаги ихтимоий масалаларнинг ихриси устидан жамоатчилик назорати деганидир. Жорий йилнинг ўзидagina мамлакат Президент томонидан бандлик масаласи, уй-жой қурилиши ва коммунал хизматлари такомиллаштириш, банк муассасаларининг депозит ҳисобварақаларидан нақд пуллар берилишини таъминлашда масъулятни ошириш каби масалаларга доир қатор муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг бажарилиши қандай бўлапти?

Жойлардан олиналган маълумотларга қараганда, бу муҳим ҳўжатларни ихро этишда муаммалар мавжуд. Нега ҳамма нарсалар бахадор, ҳамма жойда ҳозир нозир муҳбирларимиз бу масала билан қизиқмайптилар? Чунки бу мавзулар ана мураккаб бўлиб, маҳаллий мансабдорларга бориб тақалди, партиямиз фаоллари ва му-

матбуотига айлансин. Уларда фаоллар, олимлар, мутахассисларнинг модернизация жараёнида чўқур таҳлил этилган, уларга тўқунлик қилаётган сабаблар аниқ кўрсатилган, асосли, ҳолис танқид этилган материаллари тез-тез чиқиб турсин, партиямиз электорати — оддий фуқароларнинг дардли хатлари доимо эълон қилиб борилсин.

Муҳим мавзулардан бири, бу — маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг ишлари кескин яхшилаш. Парламентдаги фракциямиз ва бармоқ билан санокчи бул нечагина депутатлик гуруҳларидан ташқари қолганларига ҳиммлик, хотиржамлик ҳўкм сурмоқда. Нима учун матбуотимиз бундай жиддий камчиликларни барталари такомиллаштириш, банк муассасаларининг депозит ҳисобварақаларидан нақд пуллар берилишини таъминлашда масъулятни ошириш каби масалаларга доир қатор муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг бажарилиши қандай бўлапти?

Жойлардан олиналган маълумотларга қараганда, бу муҳим ҳўжатларни ихро этишда муаммалар мавжуд. Нега ҳамма нарсалар бахадор, ҳамма жойда ҳозир нозир муҳбирларимиз бу масала билан қизиқмайптилар? Чунки бу мавзулар ана мураккаб бўлиб, маҳаллий мансабдорларга бориб тақалди, партиямиз фаоллари ва му-

ниедан фойдаланиш масаласи ҳам четлаб ўтилмади. Кейинги пайтларда республика телевидениеси раҳбариятининг партиямизга муносабати анча яхшиланди. Лекин, партия ташкилотларининг маҳаллий телевидение ва радиодан фойдаланишини қониқариб деб бўлмайди.

Бўлиб ўтган мулоқотда қилинган ишларга танқидий руҳ билан ёндашилди, камчиликлар очик кўрсатилди, аниқ фикр ва тақлифлар билдирилди.

«Ўзбекистон овози» — «Голос Ўзбекистана» газеталари бош муҳаррири С.Остонов қўйидагиларга эътиборни қаратди:

— Партия мафкураси, унинг фаолиятида чўқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон ХДП аҳоли ихтимоий заиф қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишда катта масъулятни ўз зиммасига олди. Бу борада дастлабки савй-ҳаракатлар бошланди. Биз бундан одамларга етказишимиз, уларга партиянинг бугунги сиестаси мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чўқур тушунтиришимиз лозим. Бу йўналишдаги ишларни яқинда чўқурлаштиришимиз лозим. Бевосити таъкидлаш керакки, партиямиз бугунги сиестаси мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чўқур тушунтиришимиз лозим. Бу йўналишдаги ишларни яқинда чўқурлаштиришимиз лозим. Бевосити таъкидлаш керакки, партиямиз бугунги сиестаси мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чўқур тушунтиришимиз лозим. Бу йўналишдаги ишларни яқинда чўқурлаштиришимиз лозим. Бевосити таъкидлаш керакки, партиямиз бугунги сиестаси мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чўқур тушунтиришимиз лозим. Бу йўналишдаги ишларни яқинда чўқурлаштиришимиз лозим.

Фулум МИРЗО, Анибой ОРТИҚБОВ, Ўза Мухаммад муҳбирлари.

Жалқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисида муҳокама этилган қашқадарлик сенаторларнинг Хонобод ҳарбий базаси хусусидаги баёнотини ўрганишга бағишланди. Депутатлик гуруҳи аъзолари масалани атрофлича муҳокама этиб, Баёнотни тўла-тўқиса таъкидладилар. Аҳолига тушунарли шиларини изчиб олиб бориш бўйича келишиб олдилар.

ЎзХДП Навоий шаҳар кенгаши 10-урта мактаб ўқитувчилари билан учрашув ўтказди. Унда мактаб педагоглари партиянинг янги Дастури ва Устави билан таъминланганлиги таъкидланди.

ХДП мамлакат сиёсий қучларининг сўл қаноти ва аҳолининг ихтимоий муҳофазага муҳтож қатламларининг ҳимоясига эканлигини ҳақида кенг тушулча берилди. Қатор савол-жавоблардан сўнг, йиғилишнинг қизиқини янада ортди ва 15 киши партияга аъзо бўлиш ҳақида ариза берди.

Тарихий манбаларга таяниб шуни айтиш жоғизки, «Қирқ қиз» қалъасида қуйидаги талабларга барча қатъий амал қилиши зарур эди: чўқур ҳаётий билимга эга бўлиш; илмий йўналишдаги қўнуқдорларга қўйилган талабларни билиш; Ватан ва унинг шон-шўҳ-

она, юрт, устоз, келажак авлодини битта деб билиш, олган илминни ўз шаҳрида тарғиб қилиш, шоғирдлар тайёрлаш, ўз ватанининг шон-шўҳ-рағбатига пулур етказмаслик, сир сақлаш, пазандлик, деҳқончилик, чорвачиликни билиш,

«Рухайда Давроннинг шоғирдлари биевдир. Рухайда илм аҳлини ҳўрмат этур, ҳар бир илм аҳлига эътиборлик бўлган биев ҳўрмату эҳтиромга лойиқдир», дейди Ҳақимия Термизий. Рухайда Даврон шоғирдларининг динига, тилига, миллатига, ирқига

тишган, тарбия мактаблари бунёд этишган.

Ха, бугун Термиз тўмани «Намуна» ширкат ўҳжалиги ҳудудидаги ушбу ёдгорлик қадимда ана шундай мўъжизакор тарихга эга эди. Қайвони оналарнинг мунис алласи-ю, фозила қизларнинг етуқ зеҳни, бетакор қўбилатларини ёдга солувчи мазкур илмий марказ ораддан йиллар ўтса-да, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай замонда ҳам улугвор тарихдан ривоятлар сўзлаб тураверади.

«Қирқ қиз» қалъаси ҳақида мустабад тузум даврида қандай таҳминлар айтилмади» дейсиз. Қайсидир олим уни «бир зодагоннинг ишратхонаси» деса, яна бири «бу ер подшоҳнинг ҳарамхонаси» деди. Ва яна қимдир «бу ер ўткинчи савдогарларнинг базмхонаси бўлган», қўбилдаги фикрларни билдирди. Аслида биз тарихимиз зарварларидан собиқ шўролар замонидаги ғийбатчиларга зарба бўладиган шундай битикларни ўқиймиз:

«Қалъа Чилдўхтарон» чир тарафдор лавлак аст; чор мержо аст, чор зиндон аст, чор оби кудук аст, чил хона аст, чил асбобе устурлаб, баад мержоки авал работе чил, қушки мержоки аз мержоки сеюм чил мержо аст, бу қубба чор тараф ҳужий афлок, баъд гўмбази «Нил» ас. (Мазмуни: тўрт томонда тўртта эшик бор. Тўрт зинапог, тўрт зиндон бор, тўртта кудуқ бор. Қирқ хона бор, қирқ устурлоб — осмонни кузаатадиган асбоблар бор. Биринчи зинапогдан чиқшида қирқ хона бор, иккинчи қаваатда қирқ хона ва қирқ ҳўжа бор, ундан сўнг мержо, учинчида қирқ зинапог ва 4 хона мавжуд. Зинапоглардан қуббага ўтиб тўрт тарафини кузатиш мумкин, сўнг гўмбаз бўлиб, ранги қизил ҳам, сариқ ҳам эмас (осмон ранги назарда ту-

тилган).

(Аҳмад Устурлобий ас-Сағоний ат-Термизийнинг «Илм ун-нукум» китобидан.)

«Қирқ қиз»да таҳсил олган фозила қизларнинг айримлари қўллаб-қувватлаш асарлар қолдирган бўлиб, ҳозир бу асарларнинг айримлари одамлар қўлида сақланмоқда. Галдаги вазифа эса бу асарларни юртдошларимизга етказиш, уларни нашр этиб, кенг жамоатчиликка тарғиб қилишдир.

Кейинги пайтларда «Қирқ қиз» маркази номидан дунёнинг қўллаб-қувватлашига дўстлик хатлари юборилиб, ҳозир айримларидан жавоб мактублари олинди. Ҳаққатан ҳам академияда ўз даврида таҳсил олган қизларнинг кўпчилиги тугилиб ўсган юртларидан шундай мадраса олиятлар ташкил қилишгани маълум бўлмоқда. Жумладан, Исфаҳондан келган мактубда ёзилишича, Феруза исмли қиз шу ерда ўқиб, сўнгра ўз юртида «Чилдўхтарон» номли мактаб бунёд этган. Қоним шаҳрида Зулайҳо исмли онами иждод этган жой бўлиб, у «Қалъаи ар-баъ» деб номланди...

Афсуски, бундан минг йиллар аввал бунёд этилган обиданинг бугунги аҳоли аянчили. Бир пайтлар илм-маърифат ўчоғи бўлган қалъа деворлари, қалинлиги икки қўлчога сиймайдиган устурлари, тўртта гўмбази бундан ўн беш-йигирма йил аввал кулаб тушган.

Йўлаймиқки, тарихимизнинг нурили саҳифаларини ўз қатрида сақлаб қелаётган бу тарихий обидга ҳам имкон қадар эътибор кўрсатилса, унинг ўтмиши кенг ўрганилса, юртимизнинг муқаддас манзиллари сони яна биттага ордатан бўлади.

Қадрият — ўзликни англаш

Бу тупроқдаги ҳар бир тош, ҳар бир гўштининг ўз тарихи бор. Заруғасой ва Тешиктоғ қоралари, Боботўғ ва Бойсуғтоғ қояларидаги битиклар ва суратлар бу замин жаҳон цивилизациясининг илк бешикларидан эканига гувоҳлик беради.

Ота-боболаримиз кечмишини мангуликка муҳраб, минг йиллар қатъридан бизга қадар етиб келган тарихимизга назар солар эканмиз, ҳар гал бирор-бир синоатга дўч келамиз. Хусусан, қўхна Афросиёб тепалигидаги ёзувлар, Фарғонанинг қадим хитойликлар таърифидаги самовий отлари, шаҳри Кешнинг салкам ўз минг йил наридан сўзлаётган афсонаси...

Бугун юртимизнинг жанубий сарҳадларида ҳам худди шу каби ўтмиш тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари кўп. Азал-азалдан хўнарманду тадбиркорлар, савдогар алломалар юрти саналган Термиз шаҳри ва унинг атрофида жойлашган Султон Саодат, Ал-Ҳақим ат-Термизий макбаралари, Фаёзтепа, Кампиртепа, Далварзиптепадан топилаган айрим манбалар тарихчи олимлар узоқ даврларга қўйселаси беҳиз эмас.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг бевосити Юртбошимиз раҳнамолигида Ватанимизнинг қанчадан-қанча тарихий масканлар қатори қадим Сурхон диедридаги Ал-Ҳақим ат-Термизий макбараси, Султон Саодат, Қокидор ота зиератгоҳлари, Исо ат-Термизий макбараларида ҳам жуда катта таъмирлаш, ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Оқим, мустақиллигимиздан аввал ана шу қадамжолар қаровисиз, ачинарли аҳволда эди. Алпосиз достонининг 1000 йиллиги ва Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги тантаналарида қатнашган Президентимиз ўтмиши жуда қадим даврларга бориб тақалдиган Сурхон воҳасидаги маъмо-

рият билан манбаларга таяниб шуни айтиш жоғизки, «Қирқ қиз» қалъасида қуйидаги талабларга барча қатъий амал қилиши зарур эди: чўқур ҳаётий билимга эга бўлиш; илмий йўналишдаги қўнуқдорларга қўйилган талабларни билиш; Ватан ва унинг шон-шўҳ-

Тарихий манбаларга таяниб шуни айтиш жоғизки, «Қирқ қиз» қалъасида қуйидаги талабларга барча қатъий амал қилиши зарур эди: чўқур ҳаётий билимга эга бўлиш; илмий йўналишдаги қўнуқдорларга қўйилган талабларни билиш; Ватан ва унинг шон-шўҳ-

она, юрт, устоз, келажак авлодини битта деб билиш, олган илминни ўз шаҳрида тарғиб қилиш, шоғирдлар тайёрлаш, ўз ватанининг шон-шўҳ-рағбатига пулур етказмаслик, сир сақлаш, пазандлик, деҳқончилик, чорвачиликни билиш,

«Рухайда Давроннинг шоғирдлари биевдир. Рухайда илм аҳлини ҳўрмат этур, ҳар бир илм аҳлига эътиборлик бўлган биев ҳўрмату эҳтиромга лойиқдир», дейди Ҳақимия Термизий. Рухайда Даврон шоғирдларининг динига, тилига, миллатига, ирқига

тишган, тарбия мактаблари бунёд этишган.

Ха, бугун Термиз тўмани «Намуна» ширкат ўҳжалиги ҳудудидаги ушбу ёдгорлик қадимда ана шундай мўъжизакор тарихга эга эди. Қайвони оналарнинг мунис алласи-ю, фозила қизларнинг етуқ зеҳни, бетакор қўбилатларини ёдга солувчи мазкур илмий марказ ораддан йиллар ўтса-да, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай замонда ҳам улугвор тарихдан ривоятлар сўзлаб тураверади.

«Қирқ қиз» қалъаси ҳақида мустабад тузум даврида қандай таҳминлар айтилмади» дейсиз. Қайсидир олим уни «бир зодагоннинг ишратхонаси» деса, яна бири «бу ер подшоҳнинг ҳарамхонаси» деди. Ва яна қимдир «бу ер ўткинчи савдогарларнинг базмхонаси бўлган», қўбилдаги фикрларни билдирди. Аслида биз тарихимиз зарварларидан собиқ шўролар замонидаги ғийбатчиларга зарба бўладиган шундай битикларни ўқиймиз:

«Қалъа Чилдўхтарон» чир тарафдор лавлак аст; чор мержо аст, чор зиндон аст, чор оби кудук аст, чил хона аст, чил асбобе устурлаб, баад мержоки авал работе чил, қушки мержоки аз мержоки сеюм чил мержо аст, бу қубба чор тараф ҳужий афлок, баъд гўмбази «Нил» ас. (Мазмуни: тўрт томонда тўртта эшик бор. Тўрт зинапог, тўрт зиндон бор, тўртта кудуқ бор. Қирқ хона бор, қирқ устурлоб — осмонни кузаатадиган асбоблар бор. Биринчи зинапогдан чиқшида қирқ хона бор, иккинчи қаваатда қирқ хона ва қирқ ҳўжа бор, ундан сўнг мержо, учинчида қирқ зинапог ва 4 хона мавжуд. Зинапоглардан қуббага ўтиб тўрт тарафини кузатиш мумкин, сўнг гўмбаз бўлиб, ранги қизил ҳам, сариқ ҳам эмас (осмон ранги назарда ту-

«ҚИРҚ ҚИЗ» ҚАЛЪАСИ



ЎКИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТЕРМИЗ ТУМАНИ ҲУДУДИДА БУНДАН МИНГ ЙИЛДАН КўПРОҚ ВАҚТ ИЛГАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАР АКАДЕМИЯСИ БўЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА

рағатига пулур етказмаслик. Шу билан бирга қалъада илм олганлардан қирқ соҳада имтиҳон олинган. Булар: тафсири Куръон, давлат тили бўлган араб, форс, турк тилларини билиш ва асарлар яратиш, астраномика, хандаса, риёзат-фалакиёт, жўрофия, фикх, алгебра, кимё, илми боғчалар (тўқуши, тикиш, ип йиғириш), камон отиш, отпа юриш, пиеда югуриш, сувда сузиш, қиличбошлик, ол билан шуғулланиш, баландликка чиқиш ва сакраш, ҳар ишга ва талабга мох кийиниш, ранг танлаш, меҳмон кутиш одоби, муомала одоби, дўстлик одоби, биродарлик қонун-қондалари, дил, йўли, кийими, вужуду поқ бўлиш, илми табобати батафсил ағзалаш, ота-

оила қуриш, фарзанд тарбиялаш, олган илмининг авлодларга қолдириш, фосфиқдан сакланши, кофа-куфа, илми ҳол, илми қол ва лодуний илмлари саклай билиш кабилар эди.

«Илм ун-нукум» асарига Рухайда Даврон — етуқ оlima, ўз замонасининг давлат арбоби бўлибгина қолмай, турли миллат, турли шаҳарлардан илм истаб келган қизларнинг устози эканлиги айтилди. У нафақат диний, балки дунёвий асарлар муаллифи ҳам бўлган. «Табобат-ул зан» («Аёллар табобати»), «Ривоят-ул ҳақимия» («Ҳақимия ривоятлари»), «Ҳикमत ул зан» («Аёллар ҳикматлари»), Тафсири Куръон, «Илм атолдоби зан» («Илм олувчи аёл одоби») номли асарлар шулар жумласидандир.

Янги шеър

ИСТИҚЛОЛГА ҚАСИДА

Бу дунёда муҳаббат бор,
Муҳаббат — вафо,
Бу дунёда диёнат бор,
Диёнат — даҳо.




Қондош — Истиқлол!
Қалдирғочлар қанотида
Яралган ерда,
Шоирларнинг бағтидан
Яралган ерда,

Турсунтош
ЖАБОРОВА

Партиямиз фахрийлари

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ИНСОН



Ҳаётни ҳикмат деганларича
бор экан. Турли тақдирлар, тур-
фа умр йулларини кузатганимизда
бу ҳақиқатни яна бир
бор англагандай бўламиз.

Ҳиндлар Рантанбўр вилоятини
ҳукмдорлигини Бобурга қолдириб,
Байана вилоятини тилаганлар. Бироқ,
Бобур Байана вилоятини қўлга киритгунча
қўп муҳорабалар олиб борган.

Бир неча кундан сўнг жаҳон шоҳмат
муҳлислари мавсумнинг энг асосий
мусобақаларидан бири Аргентинанинг Сан
Луис шаҳрида ўтказиладиган шоҳмат
бўйича жаҳон чемпионатини сарбозлик
билан кутмоқдалар.

Интер-спорт

КЛИЧКОГА АТАЛГАН МИЛЛИОНЛАР

WBC йўналиши бўйича ўта оғир вазн-
ли боксчилар — жаҳон чемпиони укра-
иналик Виталий Кличко билан амери-
калик Хасим Раҳмон ўртасидаги жанг
шу йилнинг 12 ноябрь кўни Лас-Вегас-
да ўтказилишидан иш қоритувчи Боб
Арум мухбирларни хабардор қилди.



РОНАЛДИНЬО — ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЙИНЧИСИ

«Барселона»нинг бразилиялик ярим ҳимоячиси Роналдиньо футболчилар ҳалқаро касаба уюшмалари йўналиши бўйича йилнинг энг яхши ўйинчиси, деб эътироф этилди. Бу тадбирда 40 мамлакатнинг 38 минг профессионал футболчиси иштирок этди.

КАРПОВ МАРАДОНА БИЛАН ДОНА СУРИШДИ

Машҳур шоҳматчи, жаҳоннинг экс-чемпиони Анатолий Карпов билан таниқли футболчи Диего Марадона ўзаро донна сурдилар. Бу тадбир Аргентинада футбол юлдузлари томонидан уюштирилган ва телевидение орқали тўғридан-тўғри намойиш этиладиган «10 рақамли оқшом» ток-шоусида амалга оширилди.



ИП ООО «TOSHIKRAMMET» соообщает о своей реорганизации в СП ООО «TOSHIKRAMMET». Претензии ликвидируются в течении месяца со дня опубликования.

Газетанинг навбатдаги сони 27 сентябрь, сешанба кўни чиқади

Биз билган ва билмаган тарих

БОБУРНИНГ ДИПЛОМАТИК МАҲОРАТИ

Заҳириддин Бобур дипломатик муносабатларда ҳам-
ша ҳам ижобий вазиятга дуч келавермаган. Айниқса,
Ҳиндистонда салтанатни бошқаришда иқлимнинг му-
раккаблиги, маҳаллий халқнинг урф-одати ва ментали-
тетини яхши билмаслиги Бобурга ўз режаларини амал-
га оширишда бирмунча қийинчиликлар туғдирган.

«Тож ва қулоҳ ва зар камарим, Сангаул Султон Махмуднинг босиб, Султон Махмуд кофирнинг қайдига тушганда бу таърифий тож ва қулоҳ ва зар камарни олиб, Султон Махмудни қўюб эди, ўшул тож ва қулоҳ ва зар камар Бикрамажитта экандур, оғаси Ратансинким, ҳоло отаси ўрнига раана бўлб, Читўрга қобиздур, тож ва қулоҳ билан зар камарни инисидин тилабтур. Бу бермайдур. Бу келган кишилардин тож ва қулоҳ ва зар камарни манга сўзланибтур. Рантанбўрнинг мубодаласига Байана келмоқ мийоди билан рухсат берилди».

кунлар далолатнома даража-
сида қайд қилинган. Аниқроғи,
Бобур ўз саройида турли элчилар, вилоят ва-
киллари бир кунда қабул қилишни иш тартибига киритган. Унда айрим шах-
сларга Бобур салтанатидан чиқиб кетиш ёки киришга рухсат бериш, элчиларга сарполар кийдириб, ҳурмат-
ларини баҳо келтириш, узоқ сафардан қайтганларни қабул қилиш ва улар келтири-
ган маълумотлардан хабардор бўлиш, қолаверса, бошқа шунга ўхшаш ишлар бажари-
лган. Шундан ҳам билса бўладики, Бобур дипломатик ишларни алоҳида белгилан-
ган кунда, кўп таширф бую-
рувчиларни аниқ кунга тўплаб қабул қилишни бел-
гилаб иш тутган. Куйидаги парча шундай дейишга асос беради. Бунда одина кун,
яъни дам олиш куну ва пай-
шанба кунги қабуллар ҳақида фикр юритилмоқда.

(Охири. Боши ўтган сонларда)

қилди. Ушбу кун Шоҳбекнинг элчиси Абу Муслим кўчалдо-
шга хилъат кийдуруб, инъом қилиб, рухсат берилди. Хожа Муҳаммад Али била Тенгри-
бердига ҳам вилоятларига — Хост била Андаробқа бор-
моққа ушбу кун рухсат бўлди. Пайшанба кун, ой-
нинг йигирма учини Муҳам-
мад Али жанг-жангим, Ка-
чакот ва Қорлуқ навоҳисиди кўюб, ул вилоятларини анга ўқда қилилиб эди, Мирзойи Малвий қорлуқнинг ўғли Шоҳ Хусайн яна Хаатиининг ки-
шиси ҳам била келдилар. Ушбу кун, Мулло Алихонким, Самарқанда қўчини келтур-
ғали бориб эди, келиб, му-
лозамат қилди».

ФАҚАТ ГАЛАБА ТАЛАЙМИЗ

«Бобурнома»даги айрим
парчаларга диққат билан на-
зар солар эканмиз, шунга
ғувоҳ бўламизки, Бобур сал-
танатида айрим кунлар мах-
сус дипломатик муносабат-
ларга бағишланган, ушбу

га қадар давом этадиган мазкур белла-
шувларда Рустам Қосимжонов билан
бирга яна етти нафар дунё шоҳмат ола-
ми етакчилари мутлоқ жаҳон чемпи-
онлиги учун кураш олиб борадилар.
Ҳамюртимизнинг асосий рақиблири
ФИДЕ рейтингиди дастлабки уч поғона-
ни эгаллаб турган Вишванатан Ананд,
Свинтофоло ва Петер Ликолар бўлиша-
ди. Шунингдек, Майкл Адамс ҳамда аёл-
лар шоҳмат оламининг етакчиси Юдит
Полгар ва икки нафар россиялик гра-
смейстер Петр Свидлер ва Александр

Морозевичлар ҳам ушбу мусобақага
жиддий тайёргарлик қўришган.
27 сентябрь кун мусобақанинг тан-
танали очилиш маросими бўлади ва ай-
нан шу кун кураш ташланади.
28 сентябрдан эса шоҳматчилар со-
врин жамғармаси бир миллион АҚШ
долларини ташкил этган чемпионат ба-
хсларини бошлайдилар. Биз ҳамюрти-
мизга фақат ва фақат муваффақият
қозонишни тилаб қоламиз.


Хасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология факультети
доктори, профессор



БАДИЙ ГИМНАСТИКА: НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИККА ЙЎЛ

Спорт турлари ичиди бадий гимнастика ўзининг бағоят нафислиги, жозибдорлиги билан алоҳида ажралаб туради. Бир вақтлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган мазкур спорт тури ҳукуматимиз эътибори туфайли мустақиллик йилларида қайта дунёга келди. Мамлакатимизда бугун бадий гимнастикани оммавийлаштириш борасида катта ишлар олиб борилмоқда.

Узбекистон Бадий гимнастика федерацияси бош котиби, мамлакат терма жамоаси бош мураббийи Заррина АБДУЛЛАЕВА билан қилган суҳбатимиз ҳам шу хусусда бўлди.



нуфузли мусобақада Россия, Грузия, Беларусия, Озарбайжон, Польша, Хитой Тайпейи, Ҳиндистон, Малайзия, Исроил, Қозғистон ҳамда Қирғизистондан таширф буюрган 50 нафарга яқин энг кучли спортчи ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишди.

раси, деб ўйлайман. Илгарилари қишлоқда яшовчи кизларимиз спорт билан деярли шугулланмасдилар. Бадий гимнастикани-ку айтмай қўя қолмай. Ҳозир-чи? Энди вазият бутунлай бошқача. Махсус спорт саройлари қуриляпти. Тошкентда, Фарғона, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларида бадий гимнастика учун ажойиб заллар бор. Бугун республикамизнинг минглар кизлари спортнинг ушбу тури билан шугулланаётгани ҳам юртимизда бадий гимнастиканинг оммавийлашиб бораётганини кўрсатади.

«Шарқ гўзали» — 2004 халқаро турнирининг пойтахтимизда ўтказилиши мамлакатимизда ушбу спорт турини ривожлантириш йўлидаги улкан одим бўлди.

«Тан олиш лозимки, айни пайтда жойларда малакали мутахассис ва мураббийларга эҳтиёж сезилмоқда. Ушбу масалани ижобий ҳал қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?»

«Федерациямиз бу борда ҳам изланишлар олиб бормоқда. Жорий йилнинг январиди Москвада ўтказилган халқаро семинарда биздан ҳам вакиллар қатнашди. Махсус курсда ўқиган 6 нафар тошкентлик мураббий ва ҳакамлар «Халқаро тои-

да катта ёрдам беради. — Келгуси режалар ҳақида ҳам икки оғиз тўхталсангиз... — Мазлумки, шу йил 3-7 ноябрь кунлари пойтахтимизда Жаҳон кубоги босқичи — «Шарқ гўзали» — 2005 халқаро турнири ўтказилади. Айни пайтда дунёнинг энг кучли спортчилари қатнашадиган ушбу йирик турнирда муносиб иштирок этиш учун пухта ҳозирлик қўриямиз.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Latif G'ULOMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Farroh HAMROYEV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI; BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; VILOYAT MUHBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda; MAMZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.